

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

9 июль куни Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятлов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёев, “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Робохон Маҳмудова, Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Абдушукур Ҳамзаев Президент сайловида овоз берди.



Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятлов пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 427-сайлов участкасида овоз берди.

Президент сайлови доимо демократик давлатлар тараққиёти ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимида муҳим институт сифатида марказий ўринни эгаллаб келган. Зеро, ҳар қандай демократик жамият ўзагини эркин ва адолатли сайловлар ташкил этади. Шиддат билан ривожланиб бораётган мамлакатимиз тараққиётида фуқароларимиз қонунда белгиланган сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, ўзларининг сиёсий фаолликларини намоён этди.

Бўлиб ўтган Президент сайловида сиёсий партиялар томонидан ҳар қачонгидан ҳам жиддий тайёргарлик кўрилгани овоз бериш жараёнида аҳолининг кўтаринки руҳ билан иштирок этганлигида яққол сезилди.

Сайлов жараёни тўлиқ халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошқоралик, кўп партиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди. Бунда сайлов тизимига оид қонунчиликда фуқароларнинг сайловолди кампаниясида ва овоз беришда эркин қатнашиши, овоз бериш яширинлиги, буни ҳар бир фуқаронинг ўзи бевосита амалга ошириши белгиланган қўйилган алоҳида аҳамият касб этди.

Ҳамюртларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашди. Бу эса уларнинг Ватан тақдири, юрт келажаги, фарзандларимизнинг эртанги кунига масъулиятни астойдил ҳис этаётганидан дарак беради.



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев 9 июль куни оила аъзолари билан бирга Тошкент шаҳридаги 59-сайлов участкасига таширф буюриб, сайловда овоз берди.

Маълумки, жорий йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги таҳрирда қабул қилинди. Унда ҳуқуқий, дунёвий ва ижтимоий тамойиллар янада мустаҳкамланиб, давлатнинг бу борадаги мажбуриятлари ошди. Янгиланган Конституция давлат ҳокимияти олдида янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни қўйди.

Шу боис давлатимиз раҳбари Конституциянинг 128-моддасига мувофиқ, муддатидан илгари Президент сайлови ўтказиш ҳақида халқимизга мурожаат қилди. Бу ташаббус Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда жамоатчилик фаоллари томонидан қўллаб-қувватланди.

Марказий сайлов комиссияси 4 та сиёсий партиядан номзодларни рўйхатга олди. 14 та сайлов округи ва 10 минг 784 та сайлов участкаси тузилди. Сайловда иштирок этган барча номзодларга тенг ва эркин шароитлар яратилди.

Президент сайлови мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги, халқимиз фаровонлигига таъсир этувчи муҳим сиёсий воқеадир. Фуқаролар буни чуқур ҳис этиб, сайловда фаол иштирок этди.

Бу жараёни 47 та давлат ва 15 нуфузли халқаро ташкилотдан жами 797 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди, оммавий ахборот воситалари кенг ёритди.



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Робохон Маҳмудова Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 21-сайлов участкасига оилавий таширф буюрди. Сайловлар жараёнида иштирок этиб, овоз берди.

Юртимизда демократик тамойиллар асосида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қонунчилик йўли билан мувофиқлаштириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам мамлакатимиз фуқаролари яна бир тарихий воқеликнинг бевосита иштирокчиси ва гувоҳи бўлдилар.

Чунки сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси бўлиб, халқнинг ўз хоши-иродини эркин ифодалаш, жамият ва давлат бошқарувида фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир.

Таъкидланганидек, бу галги сайловда кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатда очиқлик, шаффофлик тамойили таъминланаётгани очиқ намоён бўлди.

Юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловларнинг энг юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, Бош қомусимизда мустаҳкамланган қоидалар асосида ўтишига, сайловчиларнинг фаоллиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.



Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаев Тошкент шаҳридаги 583-сайлов участкасида овоз берди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Негаки, халқимиз ва келажақ авлод учун муносиб турмуш шароитлари яратиш ҳамда фаровон жамият барпо этишда, энг аввало, барқарор экологик муҳит яратилишининг ўз ўрни бор.

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар бугун ўз самарасини бериб келмоқда.

Президент сайлови сайловлар давомида тўпланган миллий тажриба, илғор хорижий амалиёт, шунингдек, халқаро стандартлар асосида шакллантирилган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтди. Мазкур Сайлов кодексида Президент сайловининг ўзига хос хусусиятлари билан бирга, сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари томонидан олиб борилаётган ташвиқот турлари, шакллари ҳамда усуллари аниқ белгиланган бўлиб қўйилди.

Энг муҳими, халқимизнинг мазкур сиёсий жараён — Президент сайловида фаоллиги сезилди. Бу жараённинг адолатли ва шаффоф ўтишига муносиб ҳисса қўшди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Кеча, 9 июль куни мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа — муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Унда халқимиз Ватан тараққиёти, фарзандлар келажаги учун ўз танлаган номзодига овоз бериб, дахлдорлик туйғусини намоиш этиш билан бирга, юксак сиёсий фаоллик кўрсатди.

Жараён

Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича ташкил этилган 14 та сайлов округи ва 10 минг 784 та сайлов участкасида эрталаб соат 8:00 дан овоз бериш жараёни бошланди.

Шунингдек, хорижда яшовчи ватандошларимизнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айни шу мақсадда чет элдаги элчихоналар ва консуллик идоралари ҳузурида 39 та давлатда 56 та сайлов участкаси ташкил этилди. Уларда ҳам овоз бериш жараёнлари қонунчилик талаблари асосида ўтказилди.

Сайлов куни Марказий сайлов комиссияси билан республикамиз ҳудудларида ташкил қилинган округ ва участка сайлов ко-

миссиялари ўртасида доимий алоқа ўрнатилиб, овоз бериш жараёнларининг бориши тўғрисидаги маълумотлар онлайн режимда келиб турди.

Кенг жамоатчилиكنи сайловда овоз бериш жараёни натижалари ҳақида хабардор қилиб туриш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан журналистлар учун брифинглар ташкил этилди. Брифингларда турли вазирлик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутасаддилари сайлов жараёнлари билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот бериб борди. МСҚ Матбуот марказида ўтказилган ушбу тадбирлар “O‘zbekiston 24” телеканалда ўзбек тилида, “O‘zbekiston” телеканалда ўзбек тилида сурдо таржима билан, “Dunyo bo‘ylab” телеканалда рус ва инглиз тилларида ҳамда “UzReport” телеканали ҳамда интернет тармоқлари орқали тўғридан-тўғри онлайн эфирга узатиб борилди.



Марказий сайлов комиссияси ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча Марказий сайлов комиссиясида муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини кузатиб бориш мақсадида халқаро ташкилотлардан ва хорижий давлатлардан таширф буюрган кузатувчилар билан учрашувлар ўтказилди.

Улар қаторида Халқаро парламентарийлар конгресси Бош котиби Ситара Аяз ҳамда Ислам ҳамкорлик ташкилоти вакили Адаму Бубакар бошчилигидаги миссиялар, Ҳиндистон сайлов комиссияси сайлов комиссари Пандей Анул Чандра, Тожикистон Республикаси МСҚ раиси Б. Худойерзода, Озарбайжон МСҚ раиси М. Панаханов, Грузия МСҚ раиси Г. Каландарашвили раҳбарлигидаги делегациялар аъзолари ҳам бор.

Учрашувда муддатидан ил-

гари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қонунчилик талаблари ва демократик принципларга мувофиқ амалга оширилгани маълум қилинди.

Кузатувчилар томонидан сайловчиларнинг сайловга оид ахборотлар билан юқори савияда таъминланганлиги, бир қатор сайлов участкаларида биометрик-идентификация қўрилмалидан тажриба-синов тариқасида фойдаланиш йўлга қўйилганлиги алоҳида эътироф этилди.



АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИНИ ИМЗОЛАШ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда бўлиб ўтган Президент сайлови олдини ушбу сиёсий тадбирда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таширф буюрган Араб давлатлари парламентлари лигаси (Араб парламенти) Раиси Одил бин Абдулрахмон ал-Асумийни қабул қилди.

Мулоқот

Учрашувда Ўзбекистон ва араб давлатлари парламентлари ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, кенг қўламли ҳамкорлиқни, аввало, қонун ижодкорлиги, парламент назорати, парламент қўмиталари ўртасида ўзаро таширфларни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбатда араб давлатлари билан кейинги йилларда таълим, маданият, туризм, савдо-сотиқ ва бошқа кўплаб соҳаларда алоқалар ривожланганлиги, мамлакатимизда араб давлатлари ҳамкорлигида ва уларнинг инвестициялари асосида қатор савдо-

иқтисодий лойиҳалар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Араб давлатлари парламентлари лигаси билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида араб ва мусулмон давлатлари аёл парламент аъзолари биринчи форумини ўтказиш, Олий Мажлис ва Араб парламенти ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш мақсадида англашув меморандумини имзолаш юзасидан фикр алмашилди. Бу, ўз навбатида, барча соҳада ўзаро дўстлик ва мақфатли муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

←1 Таъкидлаш жоизки, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича ташкил этилган Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази овоз бериш кўни халқро кузатувчилар, маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар учун сайлов кампаниясининг асосий воқеалар марказига айланди.

МСК Матбуот марказида овоз бериш жараёнларининг очик ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида ягона компьютер тармоғи яратилиб, бу сайлов кўни овоз бериш жараёни онлайн кузатиб бориш, мамлакатимиз ҳудудлари билан видео-

алоқа орқали мулоқот олиб бориш имконини берди.

Мамлакатимиз ва чет эллик оммавий ахборот воситалари ходимлари барча қулайлик, яъни замонавий компьютерлар, юқори тезликдаги интернет, Wi-Fi интернет тармоғи билан таъминланди. Бундан самарали фойдаланган журналистлар ватандошларимизнинг овоз бериш жараёни, брифинглар ҳақида тўғридан-тўғри хабар ва материаллар бериб боришди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев брифингларда алоҳида қайд этганидек, сайлов кўни халқимиз ўзининг юксак сиёсий ва

фуқаролик фаоллигини намойиш қилди. Жумладан, 9 июль соат 11:00 га қадар сайловчиларнинг 33,54 фоизи, 13:00 ҳолатига 52,16 фоиз, 15:00 ҳолатига 60,74 фоиз, 17:00 ҳолатига эса 69,85 фоизи овоз беришда қатнашгани бунинг яққол исботидир.

Таъкидлаш жоизки, сайлов қончилиги талабларига асосан сайлов кўни саноатлиги ёки бошқа сабаб туфайли участка сайлов комиссиясига келолмаган сайловчилар учун ҳам барча қулайлик яратилди.

Қонунчиликка биноан мамлакатимиздаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёни соат 20:00 да якун-

ланди. Кўп сонли хорижлик кузатувчилар, юртдошларимиз эътироф этганидек, сайловда овоз бериш жараёнилари миллий қонунчилик асосида очиклик, шаффофлик ва адолатчилик каби демократик принциплар асосида ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари бугун, 10 июль кўни ўтказиладиган брифингга маълум қилинади.

Рахмон ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

←1 Шунингдек, кузатувчилар сайлов жараёнларига Марказий сайлов комиссияси томонидан юқори савияда тайёргарлик қўрилганлиги, сайлов комиссиялари ўз фаолиятини сайлов қончилигига кўра амалга ошираётганлигини ургўлади. Сайлов кўтаринки руҳда, ушқоқлик билан ўтаётганлиги, сайловчилар фаол иштирок этаёт-

ганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қайд этиш жоиз, халқро ташкилотлардан ва хорижий мамлакатлардан ташриф буюрувчи кузатувчилар муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борди. Халқро ва хорижий кузатувчилар Ўзбекистонга ташрифи мобайнида сайлов

участкаларида бўлиб, кузатувлари юзасидан тегишли хулосалар ва тавсияларни берди.

Кун давомида Марказий сайлов комиссиясида халқро ташкилотлардан ҳамда хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган вакиллар билан учрашувлар давом этди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатида Президент сайлови олдидан «Франция — Марказий Осиё» парламентлараро гуруҳи раиси Эрве Морей бошчилигидаги гуруҳ аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон — Франция муносабатлари, шу жумладан, икки томонлама парламентлараро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

Сўхбат аввалида Э. Моррей Франция Марказий Осиё мамлакатлари билан парламент дипломатияси соҳасида ҳамкорликни мустақамлашга интилаётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Франция ташқи сиёса-

тининг устувор йўналишларида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида халқро кузатувчиларга муддатидан илгари ташкил этилган Президент сайловида тайёргарлик жараёни батафсил тушунтирилди. Аини чоғда бу борада амалга оширилган ишлар, сайловни очик ва адолатли тарзда ўтказиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР БАРДАВОМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН НОМЗОДНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИК

Қорақалпоғистон Республикасидаги барча сайлов участкаларида муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўтаринки руҳда ўтказилди.

Масъулия

Эрта тонгдан оила аъзоларимиз билан бирга Тахтакўпир туманидаги 432-сайлов участкасига бориб, ўзимиз муносиб кўрган номзодга овоз бердик. Мамлакатимизнинг эртанги кўни, олиб борилаётган ҳаётбахш ислохотларнинг бардавомлиги, фаровонлигининг ушбу сиёсий тadbир натижасига бевосита боғлиқ.

Биз яшаб турган жой — Тахтакўпир тумани Қорақалпоғистоннинг энг олис ҳудуди. Бу ерда сув таъминоти огир бўлишига қарамай жорий мавсумда сув етказиш, деҳқончилик қилиш учун кенг имкониятлар яратилди. Ишончимиз комилки, сайловда биз танлаган номзод ана шу каби ишларнинг узвий давомийлигини таъминлайди, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хисса қўшишимиз учун имкониятларни янада кенгайтиради.

Авваллари сайловлар қиш фаслида ўтказиларди. Одамлар совуқ

об-ҳавода — гоҳ қор, гоҳ ёмғир остида сайлов участкаларида боришига тўғри келарди. Бу юртдошларимизга турли ноқулайликлар туғдиргани ҳам бор гап. Мана бўларкан-ку, сайлов қуёшли кунда, очик ҳавода ўтказилди. Сайлов участкасига қулай шaroитлар — тиббиёт хоналари, болалар хоналари ҳозирланибди. Бу ҳам мамлакатимизда инсонга муносабат тубдан ўзгарганини кўрсатади. Сайловчиларнинг фаоллиги, кўтаринки руҳи, хуш қайфияти уларнинг қўрсатилаётган муносабатдан хурсанд ва рози эканликларини яққол ифодаляйди.

Сарсенбай СЕЙТНАЗАРОВ,
«Тайимбет» фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қоҳрамони.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯ САРИ ТАШЛАНГАН КАТТА ҚАДАМ

ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР НИГОҲИДА.

9 июль кўни муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Республикаимизда ва чет элларда дунёнинг 47 мамлакатидан, 15 халқро ташкилот ва 15 хорижий давлатнинг Марказий сайлов комиссияларидан 810 нафар хорижий кузатувчи овоз бериш жараёни мониторингини олиб борди.

Азхар Бин АЗИЗАН, Вакиллар палатасининг собиқ спикери ва Малайзия сайлов комиссиясининг собиқ раиси:

— Ўзбекистонда муҳим демократик жараён — Президент сайловини кузатишдек тақдим қилинган шараф учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бу менинг мамлакатимизга биринчи ташрифим. Жуда кўп таассуротлар ортирдим. Ўз вазифамга келсак, айтишим мумкинки, овоз бериш жараёни юқори савияда ўтди, мен миллий сайлов қончилиги ва халқро демократик меъёрларга номувофиқлик ҳолатларини учратмадим.

Сайлов участкаларида фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун барча шарoит яратилган. Ўзбекистоннинг Марказий сайлов комиссиясини ушбу сайловнинг яхши ташкил этилгани билан табриқлайман.

Дермот МАЙЕС, Британиядаги «Lapwing Advisers Ltd» компаниясининг ижрочи директори:

— Президент сайловида биринчи марта халқро кузатувчи сифатида иштирок этар эканман, ушбу тadbир юксак савияда ташкил этилгани мени ҳайратга солганини таъкидлашим керак. Миллий сайлов қончилиги меъёрлари ва қондилари ҳамда халқро нормаларга тўлиқ риоя қилинаётганига гувоҳ бўлдим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча сайлов участкасида номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақида тўлиқ маълумотлар Брайль алифбосида ҳам мавжуд. Бундан ташқари, ногиронлиги борлар учун ҳам шарoитлар яратилган. Давлат

олдиндан ғамхўрлик қилди — ушбу фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳимояси таъминланди.

Овоз бериш муҳити сайловчиларни ижобий ҳис-туйғулари билан жалб этгани қувонарли ҳолдир. Барча демократик тамойилларга, хусусан, тенгликка риоя қилиниши аён бўлиб турди.

Холид Таймур АКРАМ, Покистон тadbикот марказининг ижрочи директори:

— Ўзбекистонда ўтказилган бир нечта сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Биласизми, ҳар сафар ўзбеклар юртига келганимда икки жиҳатнинг гувоҳи бўламан. Биринчиси, янги Ўзбекистондаги янги ривожланишлар бўлса, иккинчиси, сайловлар ташкил этилишининг сифат жиҳатдан янада такомиллашиб, демократлашиб бораётганидир.

Бу галги Ўзбекистон Президенти сайловида овоз бериш жараёнлари юзасидан шуни таъкидлашни истардимки, биз бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, уларнинг барчасида овоз бериш учун шарoитлар рисоладагидек ташкил этилганига бевосита гувоҳ бўлдик. Масъул ходимлар у ерда фаол ва сидқидилдан ишладди. Сайлов участкаларида мазкур жараён шаффоф ўтди, дея оламиз.

Сайловчилар билан суҳбатлашдим ва мамлакат фуқароларининг овоз беришга катта масъулият билан қараётганидан мамнун бўлдим. Аиникса, ёш авлодининг кенг иштироки бу нафакат ижобий амалиёт, балки ўз мамлакатининг келажаги учун берафқ эмаслигини кўрсатади.

Жаҳонгир АЪЛАМ, Бангладеш Сайлов комиссияси котиби:

— Сайлов участкаларига борганимизда аҳолининг ушбу муҳим сиёсий тadbирда фаол қатнашганининг гувоҳи бўлдим. Шунингдек, овоз бериш жараёнини ташкил этишда қулай шарoитлар



ёрқинлигига хизмат қилишини тушунган ҳолда овоз беришаётир.

Эндрю ЛАМБЕРТ, «Электрон медиа хизматлар» компанияси мутахассиси (Буюк Британия):



савияда ташкил этилган. Овоз бериш жараёнини кузатишда қатнашаётган халқро экспертлар сон жиҳатдан кўп эканлиги ва улар ушбу қулай шарoитлар яратилганини ҳам алоҳида айтишим лозим.

Ушбу жараёнда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси астойдил иштиёк ва катта масъулият билан келажагини қўзлаб бевосита иштирок этаётгани эътиборимни тортди.

Шнайдер Ярон МОШЕ, 12-телеканал муҳбири (Исроил):



шунга ишонч ҳосил қилдимки, фуқаролар мазкур жараёнларга яна бир ижобий ўсиш сари ташланган қадам деб қарашмоқда ва бунга амин бўлишмоқда. Аҳолининг сиёсий жараёнларга қизиқиши тобора ортиб бораётгани ва унинг фаол иштирокчисига айланишга интилаётгани, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқлари

изчил ҳимоя қилинаётганидан далолат беради. Ушбу сайлов жараёнининг ташкил этилиши халқро талабларга мос келади, дейиш мумкин.

Муса АЛМАМЕДОВ, журналист (Озарбайжон):



Айтишим керакки, мен юқори даражадаги тайёргарлик ва аҳоли фаоллигини кўрмоқдам.

Сайлов комиссиялари аъзолари аниқ ва пухта ишлашаётир, чуқри эрталабданок сайловчиларнинг катта оқими кузатилди.

Овоз бериш жараёнини кузатаётган халқро кузатувчилар учун ҳам барча шарoит яратилган.

Уйлайманки, ушбу сайлов Ўзбекистонда демократия сари қўйилган катта қадамдир.

Казис СТАРКЕВИЧУС, Литва парламент аъзоси:

— Мен Ўзбекистонга жума кўни кенкурун етиб келдим ва афсуски, фақат тўзал пойтахтининг — Тошкентни томоша қилишга улгурдим. Лекин шу вақт ичида бир қанча сайлов участкалари иши билан танишиб чикдим. Ҳамма жойда одамлар фаол овоз бермоқда ва улар кўпинча миллий либосларда келяптилар. Менимча, бу ҳам маълум бир муҳит яратди ва давом этаётган тadbирни янада оммабоп қилади.

Бундан ташқари, соат 11:00 гача сайловчиларнинг иштироки 30 фоиздан ошгани ва бу жуда яхши кўрсаткич эканига эътиборни жалб қилмоқчиман.

Сайлов участкалари ҳақида шуни қўшимча қилмоқчиманки, у ерда одамларнинг овоз бериши учун барча шарoит яратилган, рўйхатлар тартибли, рақамли тизим ишламоқда, рўйхатга олинган сайловчилар сони 2-3 минг кишидан ошмайди.

Овоз бериш натижаларини интиқлик билан қутялмиш ва мамлакатнингизда амалга оширилаётган ислохотлар, демократик жараёнлар сайловдан кейин ҳам давом этишига ишонамиз.

Аскар ШАКИРОВ, Қозоғистон Сенатининг халқро муносабатлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича қўмитаси раиси:

— Тошкент шаҳри ва вилоятидаги саккизта сайлов участкасида бўлдик. Биринчи навбатда, Президент сайловида тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг юқори даражада ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Биз борган сайлов участкаларида овоз беришга юқори даражада тайёргарлик қўрилган, деярли барча участкалар сайловни ўтказиш учун зарур материаллар ва атрибутлар билан таъминланган. Сайлов участкаларида Президентликка номзодлар ва уларнинг Сайловолди дастурлари, сайловчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар тақдим қилинган. Овоз бериш жараёнини кузатишда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва халқро кузатувчилар учун қулай шарoитлар яратилган.

Айрим сайлов участкаларида электрон рўйхатга олиш тизими йўлга қўйилган, бу эса мамлакатимизда рақамли технологияларнинг сайлов жараёнига интеграциялашганидан далолат беради.

Қувонарлики, алоҳида эътиёбли сайловчилар учун барча зарур чора-тадбирлар иноватга олинган: сайлов участкалари Брайль алифбосида қўрсатилган маълумотлар билан жиҳозланган, имконияти чекланган фуқаролар учун махсус кабиналар ўрнатилган. Имконияти чекланган сайловчиларнинг яшаш жойига бориб овоз бериш жараёнини ўтказиш ҳам юқори даражада ташкил этилди. Бу электротарти қамраб олиш, барча тоифадаги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш нуктаи назаридан жуда муҳим.

Фуқароларнинг фаоллиги юқори, биз борган барча объектларда маҳаллий вақт билан соат 10-11 га келиб овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг кўрсаткичи 30 фоиздан ошди. Бу халқнинг юксак сиёсий фаоллигидан далолат беради. Президент сайлови тарихий воқеа бўлиб, халқ Ўзбекистон олдида қўйган катта вазифаларни амалга оширадиган давлат раҳбарини танлайди.

Ўзбекистон аини пайтда халқро майдонда муносиб ўрин эгаллайди. Унинг бозор иқтисодиёти жадал ривожланмоқда. Биз стратегик ҳамкор ва қардош давлат Ўзбекистоннинг мувафқиятларидан жуда хурсандимиз. Мамлакатларимиз Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

«Дунё» АА.



ВАТАН РАВНАҚИГА ХАЙРИХОҲЛИК ИФОДАСИ

Шу йилнинг 9 июль куни мамлакатимизда мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий қонунчилигимизда белгиланган нормалар асосида юқори савияда ўтказилди.

Мазкур муҳим сиёсий тадбирда ҳамюртларимиз ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, юртимизнинг равнақи, халқимиз фаровонлиги ҳамда нурли келажаги йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларда фаол эканликларини намоён этдилар. Зеро, юксак дахлдорлик ва масъулият туйғуси мамлакатимизнинг эртанги кун истиқболини таъминлашда муҳимдир.

Қорақалпоғистон Республикасидаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёнлари зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Эрталаб соат 8:00 да 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссиясида муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига овоз бериш жараёни бошланди.

— Қорақалпоғистондаги сайлов участкаларида 983 минг 32 нафар сай-

ловчи овоз берувчилар рўйхатига киритилган, — дейди 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси Т. Атамуратов. — Округ ҳудудида 654 та сайлов участкаси тузилган бўлса, уларда фуқароларнинг овоз бериши учун барча шароит яратилди.

Сайловда биринчи марта овоз берувчилар сони 5 минг 689 нафарни ташкил қилди. Сиёсий тадбир жараёнида 18 ёшга тўлган 143 нафар йи-

гит-киз овоз бериб, Ватан тақдирига бефарқ эмасликларини намоён қилди.

Самарқанд вилоятидаги 7-Самарқанд сайлов округи ҳудудидаги сайлов участкалари белгиланган мuddатда сайловчилар учун ўз эшикларини очди.

Биргина Самарқанд шаҳридаги 42-умумий ўрта таълим мактабида жойлашган 144-сайлов участкасида ҳам фуқароларнинг фаоллиги сезилиб турди. Сайлов участкасида шаҳардаги Богдод, Орзу, Раҳматобод маҳаллаларида яшовчи фуқаролар овоз берган бўлса, уларнинг 27 нафари илк бор сайловда иштирок этди.

Сайлов кодексига кўра, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган фуқаролар мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Марказий сайлов комиссиясининг қарори асосида шу йилнинг 28 июнь — 5 июль кунлари юртимизда мазкур жараён амалга оширилди. Самарқанд вилоятида 92 мингга яқин фуқаролар бу

ҳуқуқдан фойдаланиб, мuddатидан олдин овоз берди.

Андижон вилоятидаги сайлов участкаларида ҳам овоз бериш жараёни қизғин кечди. Бунинг учун 928 та сайлов участкасида 1 миллион 684 минг 822 нафар сайловчи учун барча қулайлик яратилди.

Хусусан, Андижон шаҳридаги 30-мактаб биносида жойлашган 51-сайлов участкасида 1 минг 587 нафар фуқаро овоз бериш имкониятидан фойдаланди, десак, айна ҳақиқат.

— Сайлов участкамиз ҳудудида истиқомат қилувчи 15 нафар фуқаро яшаш жойида бўлиш имкониятига эга эмаслиги учун мuddатидан олдин овоз берди, — дейди сайлов участка комиссияси раиси Нозимахон Холбоёева. — Имконияти чекланган 21 нафар ҳамюртимизнинг эса кўча овоз бериш қутилари орқали сайловда иштироки таъминланди. Умуман, фуқароларимиз муҳим сиёсий жараёнга бефарқ эмасликларини яққол намоён қилдилар.

— Ҳаяжоним ниҳоятда чексиз, — дейди илк бор конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган Муҳаммадали Нўмонов. — Боиси Президент сайловида илк бор иштирок этдим. Менинг ҳам овозим юрт тақдирига дахлдор эканлигидан жуда мамнунман. Муносиб номзодга овоз бердим, деб ишончим комил.

Айтиш жоизки, вилоятда 22 минг 507 нафар фуқаро мuddатидан олдин овоз берган бўлса, 7 минг 911 нафари сайловда илк бор қатнашмоқда. Имконияти чекланган 8 минг 571 нафар сайловчининг овоз бериш жараёнидаги иштирокини таъминлаш учун кўча қутилардан фойдаланилди.

Муҳим сиёсий тадбир **Қашқадарё вилояти**да ҳам яқдиллик билан ўтди. Вилоятда мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича 1007 та сайлов участкаси ташкил этилди. Шунингдек, илк мартаба вилоятдаги жазони ижро этиш муассасаларида

5 та сайлов участкаси фаолият кўрсатди.

Қарши туманидаги 396-сайлов участкасида ҳам 2 минг 246 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, сайловчилар овоз беришда фаол иштирок этди.

— Бу йил 75 ёшни қаршиладим, — дейди Эшмурод Худойбердиев. — Қирқ йилга яқин ўқитувчилик қилдим, ҳозир нафақадан. 4 фарзандни тарбиялаб, элга қўшдим. Улар ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишган. Невараларим ҳам мактабда, коллежда, нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишяпти. Илм-фанда, спорт ва санъатда турли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бугун сайловда ҳам айнан ёшларимиз келажаги учун қайғуриши, илм-фанга, таълим ва тарбияга юксак эътибор қаратишига ишонган номзодга овоз бердим.

Умуман, республикамизнинг барча вилоятларида овоз бериш жараёнлари юқори савияда ўтказилди.

«Халқ сўзи».

Шукроналик

ХАЛҚ ТАНЛОВИ — ОДИЛ ТАНЛОВ



Бу йил 103 ёшга қадам қўйдим. Яқинда остона ҳатлаб кириб келишиб “Сиз ҳам сайловда иштирок этишингиз керак” деб қўлимга таклифнома тутқазишганида, йирик сиёсий тадбирда мени ҳам эсдан чиқаришмаганидан бошим кўкка етди, десам, асло муболағага йўйманг.

Ниҳоят, кеча биринчилардан бўлиб сайлов участкасига бордим. Мен танлаган номзоднинг халққа кўп нафи тегишига ишонаман. Чунки халқ танлови — одил танлов. Юрта ким нима қиляпти, қандай ташаббус кўрсатаяпти, ҳаммаси элга аён. Кекса бир вакил сифатида етти ўлчаб, энг муносиб номзодга овоз бердим.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Оғир ва машаққатли даврларни бошдан ўтказган инсон сифатида айт-

моқчиманки, у вақтларда халқдан кўп нарсаси ҳам сўраб ўтирилмаган — ҳаммаси енг ичидан бўлган. Бунинг биз тенгилар кўравериби, қўзимиз пишиб кетган. Шу маънода, комил ишонч билан айта оламани, бугунги сайловдаги халқ иродаси ва эркин танлови юртимизни тараққиёт сари етаклайди, мамлакат истиқболни янада нурли бўлишига замин яратади.

Пирназар бобо ТУРДИЕВ, Навоий вилояти, Қармақ тумани, «Дўрмон» МФЙ.

САЙЛОВДА ИЛК БОР ҚАТНАШДИМ

Яқиндагина 18 ёшга қадам қўйдим. Қалбимни ёшлиқ шижоати ҳамда орзу ниятлар чулғаб олган шундай кезларда қувончимга яна бир қувонч қўшилди. Халқимиз ҳаётда муҳим сиёсий воқеа — сайловда илк бор қатнашдим.

Фикр

Ўз конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб, Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон турмуши учун, айниқса, биз, ёшларнинг эртанги порлоқ келажаги учун камарбаста бўладиган номзодга овоз бердим.

Биласизми, бу йил Наманган давлат университетининг биринчи курсини тамомладим. Ташкил жараёнида дунёқарашим тубдан ўзгарди, десам, муболаға эмас. Бўлмаса-чи, Конституцияни чуқур ўргандим, сиёсий тафаккурим мустаҳкамланди.

Жонажон юртим учун, янги Ўзбекистон учун яхши кадр бўлиб етишиш ва шу Ватанга хизмат қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан. Илк сайловчи сифатида менинг овозим, менинг танловим — янгиланаётган Ўзбекистимиз истиқболига хизмат қилади, деб ишонаман.

Мухлиса ҲУСАНОВА, Тўрақўрғон тумани, Сарой маҳалласи.

Фахр

ЭЛ-ЮРТ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Куни кеча мuddатидан илгари ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Сирдарё вилояти ёшлари ҳам фаоллик кўрсатди. Сайлов участкаларида ушбу муҳим жараёни бевоқифа кузатган муҳбиримиз сирдарёлик бир гуруҳ навқирон авлод вакиллари билан суҳбатлашди.

Тахмина БОҚИЕВА: Вилоят ҳокими китоб совға қилди

— Бу йил Сирдарё ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатини аъло баҳоларга битирдим. Сайловда илк бор қатнашди менда унутилмас таассурот қолдирди.

Гулистон шаҳридаги 15-сайлов участкасида эканлигимда бу ерга Сирдарё вилояти ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев ҳам овоз беришга келди. Илк бор сайлаш ҳуқуқидан фойдаланганимни билиб, менга жадид боболаримиз ҳақидаги китоблар тўплами ва бошқа эсдалик совғаларини топширди.

Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришда бу китоблар жуда ҳам асқатади. Келажакда ўз касбимнинг етуқ мутахассиси бўлиб, юрт равнақи учун сидқидилдан хизмат қилиш мақсадим.



Ўрозали БОЙҚУЛОВ: Ҳаётнинг жўшқин оқимидаман

— Тақдир тақозоси билан имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган махсус аравачада ҳаракатланаман. Шу боис амалдаги қонунчилик меъёрларига кўра, аслида уйда овоз беришим мумкин эди. Аммо ҳақиқат ҳаётнинг жўшқин оқимида бўлишни истаганим боис Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби биносида жойлашган 15-сайлов участкасига келдим.

Бугун юртимизда ҳеч ким, хусусан, биз каби имконияти чекланган шахслар ҳам меҳр ва эътибордан четда эмас. Шундай бўлгач, биз ҳам қўлдан келганича шу эл, шу Ватан учун хизматга шайимиз.

Қалбимда олам-олам орзуларим бор. Давлатимиз эса суянч тоғимиз ва ишонган боғимиздир.



Бу кун қўшалоқ байрам бўлди

— Кеча ҳаётимдаги энг қувончли сана — туғилган куним эди. Бу галги таваллуд куним ўзгача бўлди. Негаки, айнан шу кун 18 га кирдим ва илк бор сайлаш ҳуқуқимдан фойдаландим.

Ўзим танлаган номзод учун овоз бериш варағини қутига ташлаётганимда барча орзу ва мақсадларим яна бир бор кўз ўнгимдан ўтди. Тенгдошлар ўзаро суҳбатлашиб, бир-биримизни самимий қутладик.

Ҳаяжонли ва фараҳли кунда Ватанимиз ва халқимиз келажакда бевоқифа дахлдор эканимни янада чуқур қил этдим.



Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Муносабат

Ҳиндистон раислигида шу йил 4 июль куни бўлиб ўтган ШХТ саммити доирасида Президентимизнинг ШХТ давлат раҳбарларининг онлайн учрашувидagi нутқи ташкилот доирасидаги барқарорлик, изчил ривожланиш ва фаровонлик манфаатлари йўлида очик, тизимли ва самарали мулоқотга содиқ эканлигини яна бир қарра намоён қилди.

“Шанхай руҳи”га мувофиқ, ташкилот доирасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва англашувни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис кўп томонлама сиёсий ҳужжат — ШХТнинг яхши қўшничлиги, ишонч ва трансҳегаравий шериклик кодексини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Бу ғоят муҳим ташаббус бўлиб, унинг қабул қилиниши устувор вазифаларни аниқлаш, янги шароитларда кўп томонлама ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш бўйича умумий ёндашувлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

ШХТ доирасида халқаро транспорт-логистика соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Демак, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти маконида транспорт-коммуникациявий боғлиқлиқни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш жуда муҳим.

Айни чоғда Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб магистраль йўллари ривож-

лантириш бўйича бир қатор стратегик лойиҳалар фаол илгари сурилмоқда. Бу борада Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича амалий ишлар бошланган. Эндиликда ушбу йўналиш бўйлаб, шунингдек, Афғонистон орқали Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ бозорларига олиб чиқадиغان Эрон ва Покистон портлари томон мултимодал ташувлар ривожлантириляпти.

Таҳлилчиларнинг маълумотига кўра, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш юк ташини ҳажмини бир неча баробар ошириш, транспорт харажатларини эса учдан бир қисмга камайтириш имконини беради.

Шу билан бирга, ШХТ давлатларининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлигига доир ягона харитани ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу мавжуд “тўсиқлар” ва бўшлиқларни аниқлаш, умумий, ўзаро интеграциялашган транспорт-транзит тизимини шакллантириш учун устувор чора-тадбирлар ва лойиҳаларни белгилаб олиш имконини беради.

Саммитда “Яшил” кун тартибига оид масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги кунда барча мамлакатлар бу борада кўп ишларни олиб бормоқда. Бироқ ШХТ майдонида иқлим ўзгаришига мос-

лашиш, декарбонизация ва “тоза” технологияларни жорий этиш, “ақлли” қишлоқ ҳўжалиги ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланишни ривожлантириш масалалари бўйича янада яқин мувофиқлаштириш ва амалий ҳамкорлик зарур.

Бу жараёнда “Яшил белбоғ” дастури доирасида Минтақавий экологик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва “яшил” технологияларни жорий этиш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини тайёрлаш тақлиф қилиндики, бунинг энг тўғри ва оқилона қарор, деб биламиз. Асосийси, ушбу ишни Ўзбекистонда очилаётган Марказий Осиё атроф-муҳитни ўрганиш ва иқлим ўзгариши университети негизида ташкил этиш мумкин.

Ўзбекистоннинг ШХТ мамлакатлари билан ҳамкорлигининг долзарб йўналишларидан яна бири, бу озик-овқат хавфсизлиги масаласидир. Ўзбекистон озик-овқат импортига боғлиқ мамлакат бўлгани сабабли мамлакатимиз озик-овқат хавфсизлиги масалаларига, жумладан, ШХТ билан ўзаро ҳамкорлик доирасида ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Озик-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ ҳатларлар ортиб бораётгани боис БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти билан биргаликда жорий йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонда мазкур масала бўйича халқаро конференция ўтказиш режалаштирилмоқда. Ушбу тадбирнинг алоҳида сессияси мазкур масалани глобал даражада ҳал этишга амалий ҳисса қўшиш учун умумий тамойил ва ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида ШХТ давлатлари ҳамкорлигига бағишланади.

Туризм соҳасидаги шериклик ҳам асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда сифатли ва мақбул нарсалардаги умуминтақавий сайёҳлик маҳсулотлари етишмаслиги яққол сезилмоқда. Шу боис ШХТ минтақасида Туризмни ривожлантириш йўлида туризм маъмуриятлари, етакчи оператор ва авиакомпаниялар ўртасидаги алоқаларнинг фаоллашуви қўллаб-қувватланади.

Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетида шу йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ассамблеясининг юбилей сессияси доирасида ШХТ туризм индустриясини ривожлантириш бўйича қўшма илмий-амалий конференция ўтказиш тақлифи илгари сурилди. Шубҳасиз, туризм соҳасида ҳамкорлиқнинг кенгайиши давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишига, ўзаро дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади. Энг муҳими, ўзаро дўстона алоқаларни янада кучайтириб, халқларимизнинг бир-бири билан яқинлиги ва мулоқотига йўл очади.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг ШХТнинг навбатдаги мажлисида билдирган тақлифлари жаҳон иқтисодиёти кун тартибидagi долзарбликни ва замонавий муаммоларга жавоб бериш нуктаи назаридан оқилона ёндашувларни ўзидан акс эттиргани билан эътиборга моликдир.

Ботирбек ТўРАЗОДА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ислохотлар амалда:

ЁШЛАР ЛОЙИҲАСИ 400 НАФАР ТАЛАБАНИ ҚАМРАБ ОЛДИ



Доимий мулоқот — муваффақиятлар омили

Ёшлар куни байрами арафасида “Туронбанк” АТБ бошқаруви раиси Чори Мирзаевнинг бир гуруҳ фаол талаба йигит-қизлар билан навбатдаги мулоқоти бўлиб ўтди.

Бош офисда ташкил этилган учрашувда Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор Алишер Саъдуллаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси Шахноза Жолдасова, шунингдек, “Туронбанк” жамоасининг фахрли аъзоси ва бренд-амбассадори, 44-шахмат олимпиадаси ғолиби, “Ўзбекистон ифтихори” медали соҳиби Жаҳонгир Воҳидов иштирок этди.

Тадбир аввалида банк бошқаруви раиси келажагимиз ворисларини Ёшлар куни байрами билан самимий табриклади.

— Бу каби доимий мулоқот муваффақиятларимиз омили бўлмоқда, — деди Ч. Мирзаев. — Айнан ёшлар билан ишлаш бўйича банкимиз ўз ёндашувига эга. Шу боис молия муассасамиз уларни қўллаб-қувватлаш борасида қўллаб-қўллаб муаллифидир.

Ёшлар билан мунтазам равишда мулоқотда бўлиш, иқтидорли талабаларни ўқиш давридаёқ ишга жалб этиш амалиёти банк жамоасининг доимий устувор вазифалари сирасига киритилган. Айни мақсадда 2018 йилдан буён молия ва иқтисодиёт йўналишида тахсил олаётган 2 ва 3-босқич талабалари махсус тест синовлари асосида ишга қабул қилинмоқда. Шундай танлов бўйича ишга кирган Фахриддин Маҳмудов, Жаҳонгир Зармасов, Алижон Исломов масъул лавозимларда фаолият олиб бораётган бўлса, яна ўнлаб йигит-қизлар ҳудудлардаги “Банк хизматлари марказлари”да ўз ўрнини топти. Бу йил анъанага кўра, махсус тест синовларидан муваффақиятли ўтган яна 20 нафар талаба ишга қабул қилинди.

Шунингдек, 2020 йилдан буён олий таълим муассасаларида ташкил этилган “Смарт ўқув хоналар”да салкам 200 мартаба ўқув машғулоти ўтказилиб, унда 5 мингга яқин талаба ва профессор-ўқитувчилар қатнашди. 2023 йилнинг ўтган даврида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган машғулотларда эса 200 нафардан зиёд талабалар иштирок этиши таъминланди.

Учрашув очик мулоқот тарзида давом этиб, мутасаддилар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

Тадбир якунида “Туронбанк” АТБ ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ўртасида бу борада қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишиб олинди.

Навқирон авлод билан юзма-юз

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Туронбанк” АТБ томонидан

— ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграция жараёнларини йўлга қўйиш, замонавий мезонлар асосида йирик таълим кластерларини яратиш бўйича эзгу ташаббуслар илгари сурилган. Айни йўналишда бир қатор қарорлар қабул қилиниб, фаолиятнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратиб берилди.

Муштарак мақсадлар йўлида “Туронбанк” АТБда ёшлар билан ишлаш бўйича ноодатий тизим ва яхши тажриба шаклланиши эътиборга лойиқ. Булардан энг муҳими, банк бошқаруви раиси Чори Мирзаев билан доимий учрашувлар, очик мулоқотлар йўлга қўйилгандир. Бу муаммо ва камчиликларни биргаликда муҳокама қилиш, ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун энг қулай платформа вазифасини бажариб келмоқда.

“Туронбанк” АТБнинг самарали лойиҳаларидан яна бири, молия ва иқтисодиёт йўналишида тахсил олаётган иккинчи ва учинчи босқич талабаларини махсус тест синовлари асосида ишга (амалиётга) жалб этиш ҳисобланади. Бу орқали талаба ёшларга билимларини амалиётда қўллаш, тажриба ошириш, маълум миқдорда маош олиш ва ўқишни тамомлагач мутахассис сифатида ўзлари учун иш жойини нақд қилиш имкониятини яратмоқда.

2018 йили бошланган мазкур ташаббус доирасида бугунги кунда 400 нафарга яқин талабалар банкнинг турли бўлимларида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 210 нафари доимий иш фаолиятига жалб этилган бўлса, қолганларига эса ҳам ўқиш, ҳам ишлаш учун барча қулайлик му-

эди. Ҳаётбахш ислохотлар эндиликда бундай масалаларни ижобий ҳал этишда самарали, қулай ва ишончли пиллапоё вазифасини ўтамоқда. Буни биргина “Туронбанк” АТБ фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали тараққиётга эришамиз

Шахло ИБРАГИМОВА,
“Туронбанк” АТБ бошқаруви
раиси ўринбосари:



— Бугунги кунда ҳар бир жамоанинг ривожланиш стратегияси бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида фаолият юритилиши ва ана шу мезонга мос келувчи кадрлар заҳирасини яратиш билан чамбарчас боғлиқ.

Шу маънода, банкимиз “Digital banking” форматига ишловчи рақамли молия муассасасига айланиш баробарида интеллектуал жиҳатдан мукаммал, замонавий фикрлайдиган ёш банкирлар жамоасини шакллантириш мақсадида “Туронбанк стипендияси” эксклюзив лойиҳасини амалга ошириб келмоқда.

Бунинг учун мамлакатимиз миқёсида молия ва иқтисодиёт йўналишида ўқитган энг иқтидорли, олий таълим муассасасига юқори балл тўплаб қабул қилинган йигит-қизлар танлаб олинди. Ўқишни тугатгунга қадар улар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилиб, шартнома тўлови тўлаб берилиши билан бирга, ҳар ойлик махсус стипендия ҳам бериб борилади. Ўз навбатида, ушбу талабаларнинг 3-босқичдан бошлаб “Туронбанк”да ишлаши кафолатланади. Ўқитиб ва рағбат интилувчан йигит-қизларни янада юксак билим ва тафаккурга эга бўлиши, кучли рақобат шaroитида рақобатбардош мутахассис бўлиб тарбияланишида муҳим омилдир.

Эзгу ташаббусни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида “Туронбанк” АТБ ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий-тадқиқот университети, Тошкент ахборот технологиялари университети билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Айни пайтда ушбу стипендия учун энг кўп жалб этилган талабалар Тошкент молия институти (20 нафар), Тошкент давлат иқтисодиёт университети (12 нафар) ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (9 нафар) ҳиссасига тўғри келади.

Олий таълим муассасалари билан кенг қамровли ҳамкорлик самараси сифатида жорий йилнинг ўтган беш ойи мавжидида яна 20 нафар иқтидорли талаба ишга қабул қилинди.

Малакали кадрлар тайёрлаш тизимини комплекс ривожлантиришга қаратилган бу сингари лойиҳалар муваффақиятли амалга ошиши учун “Туронбанк” олий таълим даргоҳларида махсус ўқув тажриба базаси сифатида “Смарт ўқув хоналар”ни ташкил этди. Инновациян ғоялар асосида жиҳозланган мазкур ўқув хоналарида банкнинг етуқ мутахассислари талабалар учун очик дарслар ўтказиб, амалиётдаги иш услублари билан яқиндан таништириб бормоқда. Бу назария ва амалиётнинг ўзаро интеграциясини таъминлашда жуда ҳам кўл келади, албатта.

Бош офиснинг тажрибали ходимлари иштирокида ҳафтанинг ҳар шанба кuni “Смарт ўқув хоналар”да анъанавий дарс машғулоти бўлиб ўтади. Шу тариқа иқтидорли талабалар сараланиб, ишлаш учун банкка тақлиф этиляпти.

Умуман олганда, самимий ва дўстона руҳдаги амалий ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётгани натижасида “Туронбанк” АТБ 26 та олий билим даргоҳи (улар орасида юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий таълим муассасалари ҳам бор) билан биргаликда 400 нафардан зиёд талабалар қамраб олинди. Яқин келажақда эса малакали кадрлар заҳирасини шакллантириш учун яхлит таълим кластери фаолиятини ривожлантириш кўзда тутилмоқда.



Орзу-мақсадларимиз ижобати

Фахриддин МАХМУДОВ,
“Туронбанк” АТБ Юридик
департамент директори:

— Кейинги йилларда ёшларга эътибор ва рағбат масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, эзгу мақсад ижобати йўлида қувонарли ютуқларга эришилмоқда. Буни биргина ўзимнинг фаолиятим мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тошкент давлат юридик университетига ўқитган давримдан буён “Туронбанк”да амалиёт ўташни бошлаганман. Албатта, ҳуқуқий йўналишда таълим олаётган талаба учун рақамлар билан ишлаш, иқтисодий атамаларни тушуниш осон эмас. Аммо банкнинг тажрибали мутахассислари кўмағида суд жараёнлари ёки бошқа бахли ҳолатларда жамоа манфатини ҳимоя қилиш кўникмасига эга бўлдим. Банк тизимининг ўзига хос хусусиятлари, алоҳида ёндашув талаб қиладиган жиҳатларини кўнг билан ўргандим.



“Туронбанк”да ёш мутахассисларни ишга қабул қилишнинг махсус дастури яратилган бўлиб, йилдан-йилга сафимиз анёқ қоя ва мақсадларига эга, креатив фикрлайдиган тенгдошларимиз ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ёшликнинг шижоати, катта авлоднинг ҳаётий тажрибаси ўзаро уйғунлашганда ютуқлар бардавомлиги таъминланади. Бу борада илм, янги ғоя ва технологиялар ривожланиш драйвери сифатида намоён бўлади. Дунё тажрибасига қарайдиган бўлсак, ҳеч қандай табиий бойликларга эга бўлмаган Япония интеллектуал мулк, интерфаол ғоялар эвзасига қудратли давлатга айланди. АКШ, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг жадал ривожланишида ҳам таълим соҳаси ислохотлари, янги авлоднинг билим ва салоҳиятини оширишга қаратилган сайёҳаракатлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлгани айни ҳақиқатдир.

Албатта, бугун банк тизимида биз ёшларга билдирилган ишонч ва яратиб берилаётган имкониятлар ўз самарасини беради. Боиси яқин истиқболда “Туронбанк” тизимида креатив фикрлайдиган, керак пайтда масъулиятни ўз зиммасига оладиган ташаббускор ёш кадрлар авлоди тўлиқ шаклланади. Бу орқали эса “социал лифт” тушунишни қорозда эмас, амалда ишлаши, барча бўғинида иш услуби ислох этилиши ва янгилашишига эришилади.

«Банк брендини тарғиб этаётганимдан мамнунман»

Жаҳонгир ВОХИДОВ,
Бутунжаҳон 44-шахмат
олимпиадаси ғолиби,
“Ўзбекистон ифтихори” медали
соҳиби, “Туронбанк” АТБ бренд-амбассадори:



— Янги Ўзбекистонда навқирон авлодининг маънан ва жисмонан баркамол,

соғлом бўлиб улғайиши учун замонавий шарт-шароитлар яратилаяпти. Бугун юртимиз ёшлари илм-фан, спорт, тадбиркорлик, қўйингки, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ўз орзу-мақсадларига эришишлари учун барча қулайлик муҳассамдир.

Хусусан, мамлакатимиз бўйлаб “Беш ташаббус олимпиадаси” кенг қулоқ ёзиб, ғолиблар муносиб тақдирланаяпти. Худудларда маданият ва маърифат, спорт масканлари қад ростлаб, келажагимиз ворисларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, солом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида қувонарли ютуқларга эришилмоқда.

“Туронбанк” тизимида ҳам мунтазам равишда минифутбол, шахмат-шашка, сузиш каби спорт мусобақалари ўтказиб борилади. Банкнинг бош офиси, ҳар бир филиал жамоасида бу яхши анъанага айланиб улгурган. Ишонимизки, бундан буён ҳам айнан ёшлар билан ишлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилиш банк жамоасининг доимий эътибор марказида бўлади.

Машҳур спортчиларнинг ўзига хос брендларнинг юзи, қиёфаси сифатида танланиши дунё тажрибасида кенг оммалашган. Шу маънода, менга ҳам шундай тақлиф билдирилган уни мамнуният билан қабул қилдим. Шундан буён халқроқ мусобақаларда “Туронбанк”ни тарғиб этиб келмоқдаман.

Ғалпининг очиги, хорижий давлатларда машҳур банкларнинг расмий элчиларини, уларнинг эндидаги махсус кийимлари, раишларни кўриб жуда ҳам ҳавас қилардим. “Туронбанк” эндиликда менга шундай имкониятни бераётган экан, ҳамиша бунга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

«Ишонч — менга куч ва мотивация берди»

Ҳаётхон МУҲАММАДЖОНОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети
талабаси:



— “Туронбанк стипендияси” танловида ғолиб бўлиб, янада кўпроқ билим эгаллаш, ўқиб-ўрганишга бўлган қизиқиш ва интилишим кучайди. Сабаби ушбу стипендияга муносиб қўрилганимни эгаллаган билимим учун киритилган илк сармоя — инвестиция сифатида қабул қилдим. Демак, ютуқлар кўлами ортиб боргани сари инвестиция салмоғи ҳам кўпайиб бораверади.

Банк томонидан университетга тўлов-шартнома пули тўлаб берилмоқда. Бундан ташқари, ҳар ойда яшаш, қўшимча машғулотларда билимларимни янада мустаҳкамлашга етадиган миқдорда стипендия бериб борилади.

Ҳозирги кунда “Туронбанк”да амалиёт ўтаётганман. Амалий тажриба ва малакаси юқори бўлган мутахассислардан соҳанинг ўзига хос томонларини ўрганишимиз. “Устоз — шоғирд” анъанаси асосида жамоада ишлаш кўникмаси, муомала маданияти шаклланипти. Устозларнинг беғараз кўмағида банк жамоасида ўз ўрнини топаётганимдан беҳад мамнунман.

“Туронбанк”нинг бу каби лойиҳалари талаба-ёшлар учун эртанги кунимизга ишонч руҳини тарбияловчи мотивация бўлмоқда. Эзгу ғоя ва ташаббуслар минглаб йигит-қизларни ўз атрофида жиқлаштириб, банк соҳасида рақобатбардош мутахассислар тарбияланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Ботир МАДИЁРОВ, Юнус БҮРИЕВ (суратлар) тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 655 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.

Мусахҳиш — Ш. Машираббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 04.45 Тошпирилди — 05.45 1 2 3 4 5 6